

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Боймирзаев Неъматжон Абдулбоқи ўғли
Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини
бошқариш агентлиги етакчи мутахассиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7145783>

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида корпоратив бошқарувни тартибга солиш тизимини такомиллаштиришнинг моҳиятини белгилаб берувчи асосий жиҳатлари ва устувор йўналишларини шунингдек, корпоратив бошқарув ҳисобдорлик, шаффофлик, ошкоралик, ижтимоий масъулият, ҳалоллик (софлик) каби жиҳатларни ҳамда бошқарув органлари, акциядорлар ва манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатларни қамраб олишга қаратилган. Мақоладан иқтисодий сектор вакиллари ҳамда талабалар фойдаланишлари мумкин.

КАЛИТ СЎЗ: корпоратив бошқарув, бошқарув органлари, давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар, хўжалик жамиятларининг кузатув кенгашлари, акциядорлар ҳисобдорлик, тартибга солиш, корпоратив бошқарувнинг замонавий услублари.

Корпоратив бошқарувнинг замонавий концепцияси моҳиятан анча кенг бўлиб, бир пайтнинг ўзида ташкилотлардаги турли функцияларни, жумладан, менежмент, молия, ҳисоб, бизнес ҳуқуқи, бизнес этикаси ва иқтисодиётини мужассамлаштиради. Шунингдек, корпоратив бошқарув ҳисобдорлик, шаффофлик, ошкоралик, ижтимоий масъулият, ҳалоллик (софлик) каби жиҳатларни ҳамда бошқарув органлари, акциядорлар ва манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатларни қамраб олади.

Шу билан бирга, олдимизда корпоратив бошқарув тизимини шаклланиши ва ривожланишининг муайян ижобий жараёнларига қарамасдан, мазкур тадқиқот доирасида корпоратив бошқарув соҳасида ҳанузгача айрим муаммолар ва ҳал этилмаган масалалар бўйича кечиктириб бўлмайдиган вазифалар турибди.